П 6 ЯНВ 1991

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Тошкент ҳақиқати

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 6 (10.002). ● 1991 йил 9 январь ● чоршанба ● Баҳоси 6 тийин.

## НАВОИЙ ЮБИЛЕЙИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллиги яқинлашган сари жумҳуриятда бу тарихий санага тайёргарлик ишлари фаоллашмоқда. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда юбилей рамзлари туширилган буюмлар ишлаб чиқариш масалалари кўриб чиқилди. Мажлисда жумҳурият вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, бир гуруҳ рассомлар ва ҳайкалтарошлар иштирок этдилар. Мажлисни Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров бошқарди.




Юбилей арафасида чиқарилган ёки чиқаришга тайёрланаётган маҳсулотлар — ўзбек адабиёти классигининг қиёфаси тасвирланган ранг-баранг буклетлар, солномалар, хатжилдлар, кўкрак нишонлари, откриткалар намойиш этилди. Рассомлар Навоий асарлари асосида сопол лаганлар, чинни гулдонлар яратдилар. Тошкент чинни заводи байрам мавзусига бағишлаб 150 минг сўмлик чойнак-пиёла тайёрлаш ниятида. Шоирнинг столга қўйиладиган ҳайкалчалари, унинг гиламдўзлар ўз маҳсулотларида тасвирлаган расмлари сотувга чиқарилади.

Мажлисда юбилей муносабати билан бажарилиши мўлжалланган ишларнинг барчаси ўз муддатида қилиниши мумкин ва шарт эканлиги таъкидланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

*Бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилиши*

## ИККИНЧИ КУН

Бир кунлик танаффусдан сўнг вилоят партия қўмитаси мажлислар залида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинар-кенгаши ўз ишини давот эттирди. 7 январь куни бу ерга саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқларида иш олиб бораётган котиблар тўпландилар.

Вилоят партия қўмитасининг котиби В. Г. Гордиенко маъруза қилгандан сўнг лекция-мулоқот бошлаб юборилди. Унда сўзга чиқувчилар асосий эътиборни бўлиб ўтган коммунистик партия съездларига қаратиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тушликдан сўнг семинар иштирокчилари 5 та секцияга бўлиниб, маъруза муҳокамаси ҳамда бўлажак пленум қарорлари лойиҳасини муҳокама қилдилар. Секцияларни вилоят партия қўмитаси котиби В. Г.Гордиенко, вилоят партия қўмитасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўлими мудирининг ўринбосари А. Қ. Нўъмонов, вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси И. И. Федоринов, Чирчиқ шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Д. Г. Азизхўжаев, Оржоникидзе ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби Г. С. Миразимовалар билан бирга вилоят партия қўмитасининг аъзолари олиб бордилар. Кун тартиби одатдагидек вилоят раҳбарларининг БПТ котибларини қизиқтирган саволларига жавоб бериш билан якунланди.

Семинар-йиғилиши ҳақида унинг иштирокчилари шундай фикр-мулоҳазалар билдиришди.

**П. АТАМАТОВ — Янгиобод шаҳар автобус парки бошланғич партия ташкилоти котиби:**

— Семинар-йиғилишда демократия ҳукмронлик қиляпти десам — фикримни қисқача, лекин тўлиқ ифодалаган бўламан. Ўзингиз ўйланг, илгари вилоят партия қўмитаси котиблари қайда эди-ю, биз қайда эдик. Ҳозир эса бир-биримиз билан фикр алмашаяпмиз, энг қувонарлиси, улар бизнинг мулоҳазаларимизни инобатга олишаяпти. Биз ҳам улардан етарли маслаҳатлар олишга интилаяпмиз.

Корхонамизда ўтган йили 24 коммунист бор эди, бу йилни эса 18 коммунист билан қаршиладик. Тўғри, партия сафидан чиққанларнинг аксарияти бошқа хорижий юртларга кетиши билан боғлиқдир. Бироқ 2 киши ўз аризасига кўра КПСС сафидан чиққани бизни ташвишлантирмай қўймайди. Семинар-кенгашда ана шундай масалалар билан ўртоқлашишнинг имкони кенгдир.

**Р. ВАГАПОВ — Олмалиқ шаҳар 41-ремонт қурилиш бошқармасининг прораби:**

— Маҳаллий ташкилотимиз бюроси аъзоси сифатида шуни айтишим керакки, бизда ишлар яхши йўлга қўйилган. Бунга асосий сабаб БПТнинг маъмурият билан ҳамфикр бўлиб ишлашида деб биламан. Лекин бу билан хотиржамликка берилмоқчи эмасмиз. Семинар-кенгашда кўтарилган масалалардан албатта жойлардаги коммунистларни хабардор қиламиз.

Пленум қарори лойиҳасига келганда эса мен шахсан уни қўллаб-қувватлайман. Агар бугун кўтарилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинса, ўйлайманки пленумда ишимиз бир оз енгил кўчади.

**К. ИСМОИЛОВА — Ўрта Чирчиқ пахта тозалаш заводи БПТ котибаси:**

— Семинар-кенгаш ҳаммадан кўра бизга — янги сайланганларга керак. Мен жамоатчилик асосида ишлаётганимга энди 7 ой бўлди. Бироқ иш кўнглимдагидек кетаяпти деб айта олмайман. Ҳозир БПТга кенгроқ ҳуқуқ берилиши тўғрисида кўп гапирилаяпти. Албатта, шундай қилинса бошланғич ташкилотларнинг обрўси ошади. Бироқ ишдан ажралмаган ҳолда, яъни жамоатчилик асосида партия ташкилотини бошқараётган котибнинг аҳволи нима кечади? Мана, мен иқтисодчиман. Айниқса, ҳозирги хўжалик ҳисоби шароитларида бизнинг касбимизга талаб катта. Бироқ бугун мен асосий ишимни ташлаб бу ерга келдим. Агар билдирган таклифларимиз инобатга олиниб биз билан ҳисоблашилса биз — бошловчиларнинг раҳбарларга янада ишончимиз ортарди.

А. ИМОМХЎЖАЕВ.



● Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-филиалида вақтдан ўзиб ишлаётган ишчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Сайёра Очилова шундай илғор ишчиларнинг олдинги қаторида бормоқда. Олти йилдан бери шу даргоҳда ишлаётган бу пешқадам тўқимачи унумли ишлаш қатори мураббийлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқда.

Суратказ Т. КАРИМОВ.

## РЎЗНОМА НОМИ ЎЗГАРДИ

1991 йил 1 январдан бошлаб оққўрғонликлар ноҳия рўзномасини янги номда ола бошладилар. Унинг номи «Оққўрғон овози» деб аталади.

Халқ депутатлари ноҳия кенгашининг 1990 йил 22 декабрда бўлган V сессиясида ноҳия «Мўл ҳосил учун» рўзномасининг номини «Оққўрғон овози» деб ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилганди. Бу ном кўпчилик рўзнома ихлосмандларига маъқул бўлди.

Биз «Оққўрғон овози»нинг барча ижодкорларига ишларида муваффақият ва сиҳат-саломатлик тилаймиз. Рўзнома эса номига яраша бугунги давримизга мос бўлишига умидвормиз.

У. АСҚАРОВА.

## ЯНА ТИКЛАНДИ

Олмалиқ шаҳри меҳнаткашлари орзиқиб кутган кун ҳам келди. Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар қўмитаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг органи бўлган «Олмалиқ ҳақиқати» рўзномаси ўз муштарийлари қўлига тегди. Янги рўзномани ташкил этиш осон кечмади. Шаҳар партия қўмитаси кўпдан-кўп юқори ташкилотлар билан музокалар ҳамда тортишувлар олиб боришга тўғри келди. Шаҳар меҳнаткашлари ўз тилларида рўзнома ташкил этилишини истабгина қолмай, бу хайрли ишда шаҳар партия ташкилотига яқиндан кўмаклашдилар.

Рўзноманинг биринчи сони шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг раиси А. Абдувосиқовнинг «Халқнинг ишончли минбари» мақоласи билан очилади. Рўзнома муштарийларига очиқ хат билан чиқиб, «Олмалиқ ҳақиқати»ни чоп этишдаги қийинчиликлар ҳақида ёзади, ишчи мухбирларни рўзнома теварагида бирлашишга чақиради. Иккинчи бетда «Оҳангарон» рўзномаси мухбири М. Қаюмовнинг 60-йилларда нашр этилган «Олмалиқ ҳақиқати»нинг тарихи ҳақидаги мақоласи берилган. Муқаддас Исматованинг «Бозор иқтисодиёти ва биз» деб номланган мақоласида шу куннинг долзарб мавзуси қаламга олинади. Рўзномада шунингдек депутат билан мулоқот, тилимиз муаммоларига бағишланган материаллар, кутловлар, шеър ва бошқа хил қизиқарли мақолалар берилган.

Рўзноманинг дастлабки сони 3026 нусхада нашр этилди. Рўзноманинг ижодий жамоаси шаклланмоқда.

А. НАВРЎЗОВ.

## ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ТАКОМИЛЛАШСИН

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАЁСАТИ ВА ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАН

1990 ЙИЛНИНГ 1 ноябрида жумҳурият президенти «Ўзбекистон ССЖда ижро этувчи ва идора қилувчи ҳокимиятнинг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга имзо чеккан эди. Бу муҳим ҳужжат Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши раёсати мажлисида, кейинроқ вилоят кенгаши сессиясида барча депутатлар иштирокида муҳокама этилди.

Сессия вилоят кенгаши ва ижроия қўмитасини ягона аппаратга бирлаштиришни лозим топди. Шунда давлат бошқарувининг уйғун системаси яратилади, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини такрорлаш барҳам топади, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимияти янада мустаҳкамланади.

— Сессия қарорини бажариш юзасидан вилоятда катта ташкилий ишлар олиб борилди, — деди халқ депутатлари вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоят ижроия қўмитаси раиси С. Д. Сайдалиев. — Биз ижро этувчи ва идора қилувчи ҳокимият тузилмасини такомиллаштириш мақсадида вилоят кенгаши ва ижроия қўмитасини ягона аппаратга бирлаштирдик. Аппаратни ихчамлаштириш, иш жараёнини такомиллаштириш ҳисобига штатлар анча қисқарди. Биз кўрган чоралар ижро этувчи ва идора қилувчи ҳокимият тузилишини такомиллаштиришга қаратилган қонунга тўла равишда мос келади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши раёсати ва ижроия қўмитаси қўшма мажлиси тасдиғига ягона аппарат бўлимлари ва уларнинг мудирлари тавсия этилди. С. Ш. Исломов — ташкилий — совет ва кадрлар бўлими мудири, Т. М. Миркомилов — ишлар бошқарувчиси, Ж. Ж. Турдиалиев — қарорлар ижросини назорат қилиш ва ташкил этиш бўлими мудири, А. Ш. Султонов — умумий бўлим мудири, С. Баҳромов — агросаноат комплекси бўлими мудири, Ш. Т. Содиқов — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият бўлими мудири, А. В. Азизов — халқ истеъмоли моллари, савдо ва хизмат бўлими мудири, А. А. Манасов — қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири, М. Х. Юсуфхўжаев — Тошкент вилоятида ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги диний ишлар вакили, А. В. Браилов — мукофотлар сектори мудири этиб тасдиқландилар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, миллатлараро муносабатлар каби янги бўлимлар, бир қатор секторлар тузиляпти. Шу ой ичида аппарат тўла шаклланиб бўлади.

Қўшма мажлис кун тартибидаги навбатдаги масала бўйича сўзга чиққан вилоят режа комиссияси раисининг ўринбосари А. С. Черников 1991 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича маълумот берди. Ўтган йили шаҳар ва ноҳияларда янгидан саноат комбинатлари тузилган эди. Улар бу йил 13,5 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаради. Қуриладиган уй-жойларнинг 65 фоизи қишлоқларда қад кўтаради.

Хонадонларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан бошланган ишлар бу йил яна ҳам кенг қулоч ёяди. Хонадонлар томон 434 километрлик газ қувурлари тортилади. Сув қувурлари эса 1,5 баробар узаяди. Бунинг учун албатта катта миқдорда темир қувурлар керак бўлади. Шуни ҳисобга олиб Бекобод металлургия заводида табиий газ ва ичимлик суви ўтказиш учун зарур бўладиган қувурлар ишлаб чиқарувчи махсус цех қурилмоқда. Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналар газлаштириш, ичимлик сув иншоотлари учун зарур бўладиган қисмларни етказиб беради.

Вилоятимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга бўлган эътибор умуман кучайиб бораяпти. Бу йил шаҳар ва қишлоқларда янги болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар бунёд этилади.

Вилоят ижроия қўмитаси молия бошқармаси бошлиғи А. Раҳимбоев шу йилнинг 1 чорагида ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш бюджетини лойиҳалаш ҳамда 1991 йил учун вилоят бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ва шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Ҳар иккала масала юзасидан муҳокамада сўзга чиққан вилоят кенгаши доимий комиссияларининг раислари — халқ депутатлари Тошкент ноҳия кенгаши раиси, район партия қўмитасининг биринчи котиби Т. Мирёқубов, вилоят касаба уюшмалар кенгаши раиси Д. Ғуломова, вилоят банки директори С. Собиров ва Янгийўл шаҳридаги «Феруза» ишлаб чиқариш бирлашмаси мастери С. Хидирова асосий кўрсаткичлар ва бюджетни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча таклифларни баён этдилар.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг фойдаланиш учун ер участкаси ажратиш ҳақидаги илтимосномалари ҳам кўриб чиқилди. Қизғин муҳокамадан сўнг Бўкада йигирув фабрикаси, Бўстонлиқда автобаза қурилиши учун ер участкаси ажратишга қарор қилинди.

Вилоят кенгаши раёсати ва ижроия қўмитаси қўшма мажлисининг тавсияси билан 8, 29, 36, 136, 189 — сайлов мавзелари бўйича бўшаб қолган депутатлар ўрни учун XXI чақириқ халқ депутатлари вилоят кенгашига депутатлар сайлови шу йил 10 февралда ўтказиладиган бўлди.

Мажлисда халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг 1991 йил 1 чораги учун иш режаси тасдиқланди.

Мажлисни халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов олиб борди.

Мажлисда Тошкент вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук, вилоят партия қўмитаси котиблари Ш. Н. Маҳмудова ва В. Г. Гордиенко иштирок этдилар.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### ...БИР ҲАФТА ҚОЛГАНДА

● ФОРС кўрфазида наҳотки уруш бошланса?! Ер куррасидаги оқилона мушоҳада юритувчи ҳар бир кишининг хаёлида ана шу савол чарх урмоқда. Жаҳон жамоатчилиги АҚШ Давлат котиби Ж. Бейкер билан Ироқ Ташқи ишлар вазири Т. Азиз ўртасида бўладиган мулоқотдан қандай якунлар чиқишини билмайди. Ироқ раҳбарияти эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланган муддат — 15 январь яқинлашаётганига қарамай ўз қўшинларини Ироқдан олиб чиқиб кетиш ҳақида бирон-бир ижобий қадам қўймади.

АҚШ Давлат котиби ва Ироқ Ташқи ишлар вазири учрашувига икки кун қолганда Ироқ президенти Саддам Хусайн Ироқ миллий армияси етмиш йиллигига бағишлаб сўзлаган нутқида ўз халқини Фаластинни озод этиш ва яқин Шарқни Америка босқинчиларидан тозалаш жангига тайёрлаётганлигини айтди. Кўп сонли Ироқ қўшинлари олдига Қувайтни сақлаб қолиш, хорижий мамлакатлар қўшинларини Саудия Арабистони ҳудудидан қувиб чиқариш, шунингдек, Исроил билан муҳолифликда фаластинликларга ўз ватанини қайтариб бериш вазифаси қўйилмоқда.

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари олий ҳарбий қўмондонлиги уруш чиққудек бўлса, ядровий ва кимёвий қуролларни қўлламаслик ҳақида қарор қабул қилди. «Вашингтон пост» рўзномасининг қайд қилишича, ўз номларини айтишни истамаган олий мартабали офицерлар фикрича, бундай қарор АҚШнинг ўз оддий қуролларига бўлган ишончидан дарак беради.

### ГАИТИДА ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ?

● ТАСС МУХБИРИ Вашингтондан хабар беради: ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, ўтган якшанба куни Гаитида давлат тўнтариши рўй берди. Ҳокимият тепасига собиқ мустабид ҳоким Жан-Клод Дювальенинг тарафдори Роже Лафонтан келди. Воқеалар шундай ривожланди: якшанба куни кеч пайти Гаити пойтахтидаги президент саройи атрофида автоматик қуроллардан отишмалар овози эшитилди. ЮПИ ахборот агентлиги мухбирининг айтишича, отишмаларнинг дастлабки нишоналари кечқурун соат 10 да эшитилди. У тахминан 45 дақиқа давом этди.

Бир неча соатдан сўнг марказий радио орқали муваққат президент Эрта Паскаль Труйо хоним сўзга чиқиб, ўзининг истеъфога чиққанлигини эълон қилди. Жумладан, у мамлакатни бошқара олмай қолганлигини ҳам айтди. Ундан кейин дарҳол сўзга чиққан Лафонтан қуролли кучлар ҳамда полиция илтимосига биноан ўз зиммасига жумҳурият муваққат президенти ваколатини олганлигини эълон қилди.

Р. Лафонтан ўтган йил ёзида президентлик сайловларида иштирок этиш учун Гаитига қайтиб келган эди. Аммо у «техник сабабларга кўра» сайловларга қўйилмаган эди. 16 декабрда бўлиб ўтган президент сайловларида Жан-Бертран Аристид ғалаба қилди. У шу йил 7 февралда • давлат бошлиғи лавозимига ўтириши кутилаётган эди.

Бироқ бу тадбирлар амалга ошмай қолди. Давлат тўнтариши натижасида мамлакатнинг келажаги қандай бўлади? Гаити фуқаролари бу саволга ҳозирча жавоб топа олмаётирлар.

БИРОҚ 7 январь куни ТАСС мухбири Париждан хабар қилди: Франс-пресс ахборот агентлиги маълумотларига қараганда, 6 январдан 7 январга ўтар кечаси Гаитида амалга оширилган давлат тўнтариши муваффақиятсизликка учради. Унинг ташкилотчиси — Роже Лафонтан эрталаб ҳукуматга содиқ аскарлар томонидан ҳибсга олинганлиги маълум бўлди.

### ОМОН-ЭСОН ЧИҚИБ КЕТДИЛАР

● КЎЧА жанглари давом этаётган Сомали пойтахти Могадишодан хорижий мамлакатларнинг фуқаролари чиқиб кетиши давом этмоқда. Сомали тузумига содиқ қўшинлар билан Сомали бирлашган конгресси исёнкорлари ўртасидаги тўқнашувлар бир авжига миниб, бир сусайиб турибди. Ана шундай шароитда Могадишодаги совет фуқаролари ҳам омон-эсон бу ердан кетишга муваффақ бўлдилар. Совет муассасаларининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари 6 январь куни кеч пайти Могадишодан жўнаб кетдилар. ССЖИ, шунингдек, АҚШ, Германия, Буюк Британия ҳамда қатор араб ва Африка давлатларининг фуқароларини олиб кетиш операцияси Америка денгиз пиёда қисмлари томонидан амалга оширилди. Ҳозирги пайтда барча совет фуқаролари АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Гуам» кемасида Оман пойтахти Маскат шаҳри томон сузиб бормоқдалар.

### ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● СУДАННИНГ жануби-ғарбий ҳудудларида ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувларда 100 кишидан ортиқ киши ҳалок бўлди. Тўқнашув Жабал-Мансур шаҳри яқинида жума куни рўй берди.

● ЛИБЕРИЯНИНГ пойтахти Монровияга яқин жойда жойлашган вино омборини талаган кишилар ўз қилмишлари учун катта «товон» тўладилар. Вино ўғирлаган кишилар уни истеъмол қилиш натижасида икки-уч соатдан сўнг бу дунёдан кўз юмдилар. Заҳарланиш натижасида жами 50 киши ҳалок бўлди.

● ЎТГАН якшанба куни Эроннинг ғарбий Хамадон вилоятида қора дори билан шуғулланувчи тўрт нафар киши осиб ўлдирилди. Уларнинг бири аёл киши эди. Эрон ислом жумҳурияти қонунларига биноан бу иш билан машғул бўлган шахслар ўлим жазоси билан жазоланадилар. Маълум бўлишича, мазкур қонун жорий этилган 1988 йилдан буён жами 2 минг нафардан зиёд киши қатл этилган.



● АМЕРИКА Қўшма Штатларининг йирик шаҳарларида қора дори билан шуғулланувчилар сони ҳамон камаймаётир. Баъзи жойларда эса бангибозлик тобора авжига чиқмоқда. Қора дори туркумига кирувчи кокаиннинг алоҳида нави — «Крэка» кенг истеъмолга кирмоқда.

Суратда: қора дори билан савдо қилувчиларнинг ҳибсга олиниши.

ТАСС сурати.

## УЮШМА ИШ БОШЛАМОҚДА

Ўзбекистон ССЖ шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси ўзининг биринчи мажлисини ўтказди.

Уюшмани тузишдан кузатилган асосий мақсад — озиқ-овқат етиштиришни кўпайтиришдан, ёрдамчи хўжаликлар аъзоларининг ўзини шундай маҳсулотлар билан таъминлашдан, ортиқча маҳсулотларни давлатга, ширкатларга, бозорда сотишдан, ишчи ва колхозчиларнинг ялпи даромадини кўпайтиришдан, қишлоқларнинг ижтимоий муаммоларини тезроқ ҳал этишдан, ернинг ҳақиқий эгасини тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Уюшма бир қанча муҳим ташкилий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга кўмаклашиши, шахсий хўжаликлар эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиши, уларга ҳуқуқий, услубий ва бошқа ёрдам бериши лозим. Уюшманинг фаолияти демократия, ошкоралик қоидаларига, унинг аъзолари шахсий ташаббусига, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга асосланган.

Мажлисда хўжаликларда, ноҳия ва вилоятларда уюшманинг бошланғич ташкилотларини тузиш масалалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилиш тўғрисида шартнома тузиш, янги аъзоларни қабул қилиш қандай бораётганлиги кўриб чиқилди. Молиявий масалалар, шунингдек шахсий хўжаликларнинг эгаларини ихчам механизмлар ва бошқа ашёлар билан таъминлаш муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Уюшманинг 1991 йилги иш режаси белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистан ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

